АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА “ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ” КОНЦЕПТИ

Мажитова Сабоҳат Жамиловна
Самарқанд Давлат университети, Тожик тили ва хорижий Шарқ тиллари кафедраси доценти

Аннотация: Гўзаллик тимсоли форс классик адабиётида жуда кўп ишлатиладиган, бадиият мулкида ўта теран ва хилма-хил маънолар кўлами ва мафҳумлар орқали тавсиф этиладиган лексик-семантик гуруҳлардандир. Ушбу мақолада форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик вакили Абдураҳмон Жомий (XV аср) ғазалларида “инсон гўзаллиги” концептига, инсоннинг ҳусну жамоли тавсифига оид луғавий маъно бирликлари тадқиқ этилган. Шоир поэзияси асосида рамзий сўз ва ифодалар таҳлили билан буюк адибнинг хилмахил образлар яратиши ва семантик майдонни кашф этиши байтлар асосида кўрсатилиб, шоирнинг юксак поэтик маҳорати ёритилган.

Таянч сўзлар: ғазал, тушунча, ассоциация, инсон гўзаллиги, лингвопоэтика, семантик хусусиятлар, лексик-семантик гуруҳлар, бадиий тасвир воситалари.

THE CONCEPT OF “HUMAN BEAUTY” IN THE GAZEL OF ABDURAHMAN JOMIY

Sabohat Jamilovna Majitova
Doctor, Philosophy in Philology (PhD),
Samarkand State University, Uzbekistan

Annotation: The symbol of beauty is one of the lexico-semantic groups widely used in Persian classical literature and is characterized by a range of deep and diverse meanings and concepts in artistic properties. This article explores lexical units associated with the concept of "human beauty" and the description of human beauty in the ghazals of Abdurakhman Jami (15th century), a great representative of the Persian-Tajik classical literature. By analyzing symbolic words and expressions based on the poet's poetry, the creation of various images by the great writer and the discovery of a semantic field based on stanzas are shown, as well as the high poetic skill of the poet is emphasized.

Keywords and expressions: Ghazel, Symbol, Concept, Association, Human beauty, Human concept, Semantic nuances, Lexical and semantic groups, Means of artistic description, Word Indication and Sign.

INTRODUCTION

Мақолада келтирилган фикрларни тушуниш учун тадқиқотчи форс-тожик адабиётидаги энг етук ва сермаҳсул ижодкор Абдураҳмон Жомийнинг адабий меросидан, шоир яшаган даврнинг адабий ҳаётидан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек бадиий услуб, ўзига хослик, маъноларни тўлалигича кашф қилиниши натижасида на фақат адибнинг шеърият олами, қолаверса Шарқ мумтоз шеъриятнинг жозибаси, шоирнинг юксак поэтик маҳорати ва унинг теран қалб сирларини англашга имкон беради. Ушбу мақоланинг асосий мақсади Абдураҳмон Жомий поэзиясида "Инсон гўзаллиги"нинг концепти ва луғавий маъно гуруҳига мансуб сўзлар шоир нигоҳида ва бир тушунча атрофидаги ранг-баранглик, маъно теранлиги ва бадиий нозикликларни кўрсатишга интилишдир.

RESULTS OF THE RESEARCH AND THEIR DISCUSSION

Тилшуносликнинг илмий тилида рамзий тушунчалар "концепт" дейилади. "Концепт" термини лотин тилидан олинган бўлиб, conceptus – "тушунча" маъносини ифодалайди. Бу термин математик мантиқий термини бўлиб, Копенгаген тилшунослик мактаби намояндалари томонидан тилшунослик фанига татбиқ қилинган. Таниқли тилшунос олим Аҳмаджон Қуронбеков Алишер Навоий асарларини "конкорданс" асосида ўрганиш жараёнида "концепт" сўзига шундай таъриф берган: "Концепт – инсон онгидаги маданий қатламнинг йиғиндиси". [5,32]. Демак, бир тушунча, бир сўзга боғлиқ қатор маданий ва маънавий ҳис-туйғулар билан боғлиқ ягона ассоциатив майдон бу айнан шу сўзнинг концептидир. Ассоциация – лот. Association – қўшилиш сўзидан олинган бўлиб психологияда бир тасаввурнинг иккинчиси билан боғликлиги ва бири иккинчисини туғдириш ҳодисасини англатади. [6,5].

Классик мумтоз адабиёт ассоциатив соҳа тасаввурининг тафаккур ва интеграциялашувининг ёрқин намунаси бўлиб, рамзий атамалар орқали дунё ва инсон, ундаги муайян рамзий истилоҳлар шоирнинг барча мавжудот ҳақидаги тасаввурлари ва улар билан боғлиқ ички кечинмаларини, жозибали, ноёб мажозий ўхшатишлар ва талқинлар асосида ифодалайди. Бунинг учун мумтоз шоирлар ижодидан намуналарни ўрганиш ва ҳатто шоир ишлатган биргина сўзнинг ассоциатив соҳасига назар ташлашнинг ўзи кифоя, чунки шоир тафаккурининг нутқ кучи, образлилиги, маъно жозибаси бевосита сезилади.

Форс ва тожик мумтоз шоири XV аср илму фан осмонидаги ёрқин юлдузлардан бири Абдураҳмони Жомий (1414-1492) буюк нотиқ ва алломалар – Рўдакий, Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Носири Хисрав, Умари Хайём, Низомий, Саноий, Аттор, Мавлавий, Ҳофиз ва бошқалар қаторида ўзининг юксак ғоя ва тимсоллар, сўзнинг ижодий қудрати, кенг билим, маданият ва

адабиётдаги ғайриоддий тахайюли билан шундай шарафли мақомга лойиқдирки, кейинги давр олим ва адиблар уни “хотимат-уш-шуаро”, яъни форс ва тожик адабиётининг мумтоз даври (IX-XV асрлар)даги барча ютуқлар жамланмаси деб аташган.

Жомий ижодида ғазал маҳорат билан куйлаган бўлиб, ҳис-ҳаяжоннинг барча жанбалари, шавқ ва иштиёқ, умид ва ноумидлик, самимийлик ва ғазаб, ишқу муҳаббат, сабру тоқат ҳамда ифтихорни кузатамиз, шоир ўз кечинмаларини чуқур ҳиссиёт ва шоирона тасвирлар асосида тасвирлаб, халқнинг яшаш шароитига, одамларнинг хулқ-атворига, табақаланиши ва мансаб-мартабасига мувофиқ тарзда кўплаб луғат бирликларни рангбаранг воситалар орқали ифодалаган. Шоир, асосан бадиий матннинг тасвир воситаларидан унумли фойдаланиб, “инсон”нинг барча хусусиятларини, Аллоҳ томонидан унга инъом этилган фазилатларни шоирона тасвирлар ва сўз бойлиги билан жонлантиради.

Тадқиқот жараёнида Абдураҳмони Жомий ғазалларининг “Жомеъ луғати” (конкорданс)[2;3] асосида 1799 та ғазалдан “инсон” тушунчасини ифодаловчи сўз ва иборалар сонини ўрганиб, уларни лексик-семантик гуруҳларга ажратишга қарор қилдик. Яъни бу луғат бирликларни шоир ғазалиётининг конкорданси асосида кўриб чиқиб, қўйидаги луғавий мавзу гуруҳларига ажратиш мумкин, жумладан: *инсоннинг жамиятдаги ўрни ва табақаланиши, инсонларнинг хулқ-атвори, инсоннинг диний-ирфоний фаолияти, руҳий ҳолати, жисмоний ҳолати, инсон номлари, инсон тана аъзолари, инсон гўзаллиги, инсоннинг ақлий фаолияти, иззат-икром ифодаси, меҳр-муҳаббат ифодаси, дўстлик ифодаси, душманлик ифодаси, кийим кечак номлари, зеб-зийнат номлари, нутқий қобилият, емиш номлари, орзу истаклари, тил ва миллат номлари, инсон яшаш манзиллари, таълим ва тарбия, касбу кор ва ҳунар мафҳумлари, инсоннинг хислат ва хусусиятлари* ва бошқалар.

Намуна сифатида мазкур мақола доирасида Жомий ғазалиётидаги “инсон гўзаллиги”га алоҳида эътибор қаратилди. “Инсон гўзаллиги” маъно гуруҳининг ассоциатив майдонининг таҳлили Абдураҳмон Жомий ғазалларига чирой бағишлаган ва шоир бу сўзлардан ўринли фойдаланиб, шоирона ифодалар орқали ғазал тилини бойитган. Зеро Жомий келтирган рамзий сўзлар бир тушунчанинг мутародиф қатори бўлиб, инсон гўзаллигини бир бирига ўхшамаган рамз ва тимсоллар орқали тасвирлаган ва уларни ўз ўрнида турли хил услублар ва воситалар асосида ифода этган. Жумладан:

Ба ораз **гул**, ба мў **сунбул**, ба бар **насрин**, ба тан **симин**,
Ба қад **тўбо**, ба рух **ҷаннат**, ба хат **тўтӣ**, ба лаб **шаккар**.
Қабо **дебо**, кулаҳ **зебо**, бадан **нозук**, камар **чобук**
Иборат **хуш**, сухан **дилкаш**, даҳон **кўчак,** миён **лоғар**

Ба зулфи турраи **мушкину** гуфтори **лаби ширин**
Сумансою камарфарсою рўҳафсою ҷонпарвар.
Туӣ дар **гулшану** барзан, туӣ, дар **хубиву ҳашмат**
Гули хумро, **бути раъно, маҳи анвар, шаҳи кишвар.** [3,190]
(Ораз ичра гул, соч ила сунбул, бари насрин, тани симин,
Қади тӯбо, рухи жаннат, хати тӯтий, лаби шаккар.
Қабо майин абрешим, кулоҳ зебо, бадан нозик, ӯзи чаққон,
Одобли, сӯзи дилкаш, оғзи кичик, бели нозик.
Сочу зулфи мушкин, сӯзи ширин
Сумансою камарфарсою рўҳафзою жонпарвар.
Ягонасан гулшанда, ягонасан чирой ила ҳашаматда
Гули хумро, бути раъно, маҳи анвар, шаҳи кишвар.)

Мавлоно Жомийнинг бу ғазалида келтирилган сифатловчи алоҳида сўзлар шеърда лаффу нашр санъати орқали ифодаланиб, адибнинг шоирлик маҳоратининг юксаклигидиан далолатдир. Шоир маъшуқнинг гўзаллигини тўрт байтда 29 та мажозий сўз ва ибораларни қўллаган: *гул, сунбул, насрин, симин, тўбо, жаннат, тўтий, шаккар, дебо, зебо, нозук, чобук, хуш, дилкаш, кўчак, лоғар, мушкин, ширин, сумансо, камарфарсо, рўҳафсо, жонпарвар, гулшан, хубиву ҳашмат, гули хумро, бути раъно, маҳи анвар, шаҳи кишвар.* Ва ё кейинги ғазалда:

Аҷаб **мавзуну матбӯӣ**, аҷаб **зебову раъноӣ,**
Аҷаб **шӯхи дилоромӣ,** аҷаб **моҳи дилороӣ.**
Ба ғамза **офати ҷонӣ,** ба қомат **сарви бӯстонӣ,**
Ба рух **шамъи шабистонӣ,** ба лаб **лаъли шакарҳоӣ.** [2.970]

(Жуда мавзун ва зебову раъносан, жуда шӯх ва ойдек дилоромсан, Ишваю ноз ила жоннинг ороми, қомат ила сарви бӯстонсан, юзинг шамъи шабистондир, лабинг эса лаълу шакардир).

Жомий инсон гўзаллигини ифодаловчи сўзларни ошиқнинг шефта қалбидан маъшуқннг ҳусну лутфини сифатлаш, васф қилиш, муносиб ташбеҳлар орқали баён этган. Зеро “шарқ мумтоз адабиётида маъшуқанинг олий сифатларини куйлаш орқали гўзал ҳаёт ва бебаҳо лаҳзаларни куйланганлигини англаймиз”[9,175]. Жумладан ғазалда “*мавзуну матбўъ, гўзал ва раъно, офати жон, сарви бўстон, шамъи шабистон, лаъли шакархо”* – сингари таъбирлар айни шу маънони ифодалашга хизмат қилган. Юқоридаги байтлардаги мажозий сўз ва ибораларнинг барчаси инсон гўзаллигини ифодалаш мақсадида қўлланилган бўлиб, “инсон гўзаллиги”нинг ассоциатив майдонини ташкил қилган.

Шоир ғазал жанридан ўта моҳирлик билан фойдаланиб, сўз ва ибораларнинг қўлланишига диққат билан қарайди, бу каби тушунчаларни ўта

эҳтиёткорлик ва нозик дид билан танлайди ва шунинг учун ҳам унинг ижоди XV аср шеъриятининг ёрқин намунасидир. Жомий ғазалларида инсон гўзаллигини ифодаловчи сўзлар ишқ жозибаси, ошиқнинг уйғониши, юксак муҳаббат туйғулари, меҳрга тўла қалб ва унинг барча ташқи ва ички туйғуларини рамзий ва шеърий образлар воситасида баён этилган. Бу масалага боғлиқ ҳолда “The symbolical meaning of “love” in the ghazels of abdurahman djami” номли мақоламизда “ишқ” тимсолининг бир ғазал атрофидаги маъно концептини очишга ҳаракат қилганимиз [7,957].

Жумладан, фақатгина инсоннинг гўзал чеҳра ва беқиёс ҳуснини ифодалаш учун *анбарфишон, анбарин, анбарфом, анжуманоро, базмафрӯз, баҳористон, зебо, боғ, баҳор, бо обу тоб, бофарру зеб, бадри мунир, гул, гулбун, гулистон, гулузор, гулранг, гулгун, гулчеҳра, гулзор, гулрӯй, гулрух, гулсифат, гулранг, гуландом, гулбарг, гулрухсор, гуҳар, гавҳар, ганҷина, ганҷинапардоз, гулзори Хутан, чеҳраи пургул, моҳманзар, моҳваш, моҳтоб, моҳрух, моҳрӯ, паричеҳра, парирӯ, парирух, суманрухсор, сурхрӯ, сурати чин, фалаксимо, фаришта, фаррухжамол, хубрӯ, хушрӯ, хушсурат, хушчеҳра, хуршедрух, хуршедрӯй, тозарӯй, тозарух, лолагун, лоларух, гандумгуна, ҳилол, хуршедрух, ҳусноро, ҳур, ҷаннат, офтоб, офтоби тобон, малаксимо, савсану гул, моҳи чордаҳ, бадри мунир, моҳи дилафрӯз, рӯи накӯ, нури меҳру сипеҳр, шамъи шабистон сингари 75* ортиқ сўз ва ибораларни ўринли қўллаган.

Ё ин ки инсоннинг кўзларининг васфига шоир *афсунгар, азиз, бино, беҳбуд, боиноят, бомарҳамат, болутф, бино, шаҳло, дилжӯ, дилфиреб, ғизолона, гавҳаррез, дурфишон, мунаввар, махмур, мастона, наргис, пурноз, пургуҳар, пурафсун, пурхумор, пуришва, раъно, равшан, сурмасой, оҳувона, оҳуваш, туркона, сеҳрангез, борикбин ва жаҳонбин, вафокӯш, жоду, сиёҳу ораста, хушбин, шӯхчашм, шикорандоз, фаттон, чашми хуш, чашми тараҳҳум, чашми некӯи* каби 40 ортиқроқ сўз ва бирикмалардан ўз мавридида қўллаган.

Ҳамда қадду қоматининг тавсифини *бути навраста, гулбадан, заринкамар, мавзуну матбӯъ, маҳваш, ниҳол, насринбар, нуну қалам, нозукниҳол, париваш, парипайкар, офтобмисол, сарв, сарвболо, сарвқад, сиҳиқад, сиҳисарв, сарви дилҷӯ, сарви бӯстон, симтан, симинбар, симинтан, суманбар, санавбар, садаф, сарви гуландом, тозасарв, шамшод, хушхиром, хушқаду боло, ростқад, қомати дилжӯ, қади раъно, қади мавзун, тани гулфом, тангқабодек 35* ортиқ сифатлар билан тавсиф этгани Жомийни бу мавзуда қўли баландлигидак дарак беради.

Шунингдек, шунга ўхшаш кўплаб сўз ва ибораларни келтиришимиз мумкинки, шоир улардан наққош ранг танлаганидек, жуда нозиклик билан инсон чиройи, гўзаллиги тавсифларини кетмакет келтирган. Юқоридагилардан ташқари биз шоир поэзиясида *абрӯкамон, анбарбез, абирафшон, афсункор, баландахтар, беҳамто, беназир, боғ, баҳор, зеб, зевар, зебо, зебонигор, зинат,*

заррин, заррингуҳар, дилрабо, дилдор, дилафрўз, диловез, дилбар, дилкушо, дилнавоз, дилором, дилжӯ, дилоро, дилошӯб, дурдона, гавҳар, гандумгун, гетифурўз, гул, гулузор, гулчеҳра, гулбадан, гулрўй, гулрух, гулсифат, гулранг, гуландом, гулбарг, гулрухсор, гуҳар, ғунча, ғунчасон, ғунчасифат, ғунчадаҳон, жонон, жонона, жонбахш, жавҳар, жонгудоз, жамол, жамолафзо, жаҳоноро, жамил, жонпарвар, лайливаш, лўъбат, латиф, лолагун, лолаузор, муҳайё, мунаввар, муаттар, моҳу ҳур, моҳрух, моҳрў, моҳпайкар, моҳжабин, моҳманзар, моҳваш, моҳтоб, малоҳат, малаксифат, малакваш, мушкин, мушкбӯ, машкхат, мушкбор, мушкбез, мушкфом, марғуб, меҳрафрӯз, меҳрубон, меҳрораз, меҳрталъат, мушкинҳилол, мушкинғизол, мӯътадил, ноёб, новакфикан, нозанин, нозпарвард, ниёзпарвар, насрин, нафис, нозук, нозукниҳол, нигор, нўшлаб, нӯшинлаб, нилуфар, оламоро, пари, паризод, париваш, паричеҳра, парирў, паймонгусил, пероста, покиза, покдоман, раъно, суманбў, сумансо, суманрухсор, сурхрў, санам, сабзхат, симиндаҳан, симинзақан, сунбул, сунбулузор, суханвар, силсиламӯ, сабоҳат, содаузор, туркона, тозарўй, тозарух, танноз, фаррух, фаррухжамол, фархунда, фархундафол, фалаксимо, фариишта, фарзона, хушхиром, хуршедваш, хуршедмисол, хушнуд, хушгувор, хумро, хиромон, хужаста, ҳумоюн, хубон, ҳусноро, ҳилол, ҳур, ҳурваш, ҳурнажод, ҳурзода, ҳуру парӣ, ҳусн, шаккар, ширинлаб, ширинзабон, ширинкалом, ширинсухан, ширинтакаллум, шикебо, шўъбада, шаҳрошӯб, шабафрӯз, шаккарафшон, офтоб, чолок, качкулоҳ, ҷаҳонтоб, хиргоҳнишин ва бошқалар.

Шоирнинг фақатгина ғазалларида “инсон гўзаллиги”ни ифодаловчи консептлар 200 дан ортиқ луғат бирлиги воситасида ифодаланиб, муайян хил тафаккур ва тасаввур атрофида жамланиб, бир-бирини тўлдириб, шоирнинг яратувчанлик маҳоратини намоён эта олади. Аммо шоирнинг бошқа асарлари, махсусан “Ҳафт авранг” достонларидаги Лайли, Ширин, Зулайходек сиймоларнинг сифатлари асосида бу тавсифлар камолига етиб, бу мажозий сўзлар янада кўпайиши табиий. Зеро ишлатилган мажозий сўз ва ибораларнинг аксарияти шоирнинг ихтиролари бўлиб, бу ихтиролар назм ва наср доирасида ўзгача қўлланилади ва шоирнинг сўз бойлиги ва шоирлик маҳоратининг қанчалик юксаклигини кўрсатади. Зеро П.Н.Червинский таъкидлаганидек “назмда сўз семантик майдон жиҳатидан фаолроқ, конкрет, серқирра ва мураккаброқ бўлади”[8,7].

Таҳлиллар натижасидан маълум бўлишича, Жомийнинг қалби ҳис-туйғуларга бой, ҳиссиётли ва сеҳрли мумтоз шоирлардан эканлигига ва шоир ихтирочилик ва янги маъно ва шаклни кашф қилиш билан бирга, ўзининг поэтик маҳорати ва сўз бойлиги билан “инсон гўзаллиги”ни ажойиб тарз ва усулларда тасвирлаган. Шоир ғазалиётини варақлаганда ва уларни қироат

қилганда китобхоннинг кўз олдига гўзалликка бой, беқиёс, ой мисол, қуёш каби тенги йўқ маъшуқ сиймоси гавдаланади ва гўё моҳир наққош мўйқалами билан бу гўзал чеҳрани безатиб, ҳусну латофати, гўзаллигига янада чирой қўшаётгандек.

Адабиёт:

1. Афсаҳзод А. Ҷомӣ – адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон.1989.-384с.
2. Абдураҳмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девонининг жомеъ луғати (конкорданси).//Мураттиб: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-934 б.
3. Абдураҳмон Жомийнинг “Воситат-ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” девонининг жомеъ луғати (конкорданси).//Мураттиб: Мажитова С.Ж. – Тошкент: Фан ва технология. 2018.-904 б.
4. Имомназаров М.С. Мумтоз форс шеърияти бадиятшунослиги ва жанрлар типологияси. – Т., 2015.-275 б.
5. Қуронбеков А. Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларидаги рамз ва тимсоллар. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2015. – 228 б.
6. Қуронбеков А . Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. – Тошкент: Фан, 1994.-207 б.
7. S.J.Majitova, A.S.Khankhojaeva. The symbolical meaning of “love” in the ghazels of abdurahman djami. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (1), 957-966
8. Червинский П.Н. Семантика слова в системе стихотворного целого. – Растов-на Дону, 1980.-стр.7.
9. Хасанова М. Саккокий қасидаларининг “насиб” қисмида маъшуқа тимсоли // Шарқ аёли: кеча ва бугун. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2013. - Б. 172-176.
10. دکتر محمد معین. فرهنگ فارسی. تهران، ۱۳۷۱